



Савол:

Жума намозидан кейин "эхтиёт пешин" намози ўқиш керакми?

Жавоб:

Аллох таоло жума намозини жума куни жомеъ масжидда жамланган, мусофир бўлмаган кишиларга фарз килди. Ким жума куни имомнинг оркасида хутбадан кейин икки ракаат жума намозини ўқиган бўлса, шу намоз ана шу кундаги тўрт ракаатли пешин намознинг ўрнидадир. Бу икки намозни жамлаб ёки бир кунда ўқиш пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга хилоф иш килишдир. Чунки, у зот бу ишни килмаганлар ва килишга буюрмаганлар ҳам. Дин эргашишдир, бидъатларни чиқариш эмас. Колаверса кимки жумани ўқиб оркасидан эхтиётан пешинни ҳам ўқиб олайлик деса у пайгамбар динни тўла етказмаган чала иш килган, динга хиёнат килган, мана шундай эхтиёт чораларини кўриши керак эди бироқ у буни умматга айтмаган деган тухматни пайгамбарга килган бўлади. Гарчи бу тухмати тил билан бўлмаса ҳам килаётган иши шундай демокда.

Агар бир киши жума намозидан кеч колса, масжидга имом салом бергандан кейин етиб келса бу киши жума ўқимайди, ўзига ўхшаган икки учта кеч колганлар бир бўлиб икки ракат жуманинг фарзини ўқимайдилар. Балки, одатдаги пешинни ўқийдилар. Кеч колишлари билан жума намози уларнинг зиммаларидан соқит бўлди, энди уларга пешинни ўқиш фарз бўлиб колди.

Аллох барча мусулмонларни ҳақ йўлга хидоят килсин.